ФҲДЁ ҳаёти

# ЭЗГУ МАҚСАДГА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК



Жамият ривожининг асосий устунларидан бири - оиланинг мустаҳкамлигига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани азалдан оилапарвар, болажон халқимизни беҳад қувонтирмоқда. «Оила йили»да муайян ишлар амалга оширилди. Президентимиз томонидан ушбу йилимизнинг «Соғлом авлод йили» дея эътироф этилиши барчамизнинг зиммамизга янги вазифа ва масъулият юклаганлиги шубҳасиз.

Бу йўналишда бизнинг фаолиятимиз билан боғлиқ бўлган: оила қураётган ёшлар билан ташвиқот ишларини олиб бориш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-уқалар билан опа-сингиллар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўймаслик, тушунтиришлар олиб боришга жиддий эътибор қаратаяпмиз. Таъкидлаш жоизки, пойтахтимизда АСХМ маркази уюштирилиб, никоҳ тузмоқчи бўлган ёшларнинг асосий қисми тиббий кўрикдан ўтаётир. Аммо баъзида тиббий кўрикдан ўтишдан воз кечаётганлар учраб турибди. Оила Кодексининг 17-моддасида тиббий кўрикдан ўтказиш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан амалга оширилади, дейилганини ҳисобга олиб, бундай ҳолларда ёшларга тиббий кўрикдан ўтишнинг нечоғли аҳамиятли эканлигини, бу уларга фақат фойда келтиришини албатта ФҲДЁ ходими жонли мисоллар билан тушунтира олиши керак.

Бизнинг ФҲДЁ бўлимимизда ёшлар тиббий кўрикдан ўтишлари учун АСХМга йўлланма берилаётганда, кўрик шаҳар Диагностика Маркази томонидан ўтказилиши, ушбу марказ энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланганлиги ва барча консультациялар бепул ташкил этилганлиги тўғрисида тушунча берилади. Чунки ҳозирги шароитда масаланинг моддий томони кўпчиликни қизиқтиради. Бу борада бошқа вақт йўлланмасиз Диагностика Марказига мурожаат қилинганда анча-мунча маблағ сарфлашга тўғри келишини ёшларга тушунтириш зарур.

Яна бир муҳим масала насл-насаби, шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида тузилаётган никоҳдир. Оила Кодексининг 16-моддасида никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлардан бири насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида йўл қўйилмайди, дейилганига қарамай гоҳо қариндошлар билан никоҳ тузиш ҳоллари бор. Уларнинг қариндошлигини ФҲДЁ ходимлари кўпинча аниқлашга қодир бўлмаяптилар. Сабаби никоҳ тузаётган ёшлар бу ҳолатни турли усуллар билан яширмоқдалар. Шунинг учун ФҲДЁ ходими албатта ариза қабул қилаётганда ариза берувчилар билан жиддий суҳбат ўтказиши керак, шу аснода эса Оила Кодексининг никоҳ ҳақидаги моддалари яна бир бор тушунтирилади ва никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларни бекитганлари учун жавобгарликка тортилишлари ҳақида фуқаролар огоҳлантириладилар. Бу никоҳ тузаётган ёшларнинг масъулиятни ҳис этишларида муҳим рол ўйнайди.

Ариза бераётган ёшлар билан суҳбат ўтказаётганда уларнинг қариндошлиги борасида шубҳа пайдо бўлса, ФҲДЁ ходими ҳар иккала ёш истиқомат қилаётган маҳалла қўмитасидан йигит ва қизнинг қариндош эмаслиги ҳақида маълумотнома талаб қилишга ҳақлидир. Мақсад, соғлом оилани барпо этиш орқали жамиятимизга соғлом авлод, соғлом келажакни таъмин этишдир. Бу эзгулик йўлида барчамиз ўз билим, куч ва тажрибамизни аямаслигимиз лозим.

**Мансуба СОЛИҲОВА,**
**Тошкент шаҳар,**
**Яккасарой тумани**
**ФҲДЁ бўлими мудираси**

---

*Лицей ҳаётидан*

# ОРЗУ АЙЁМИДА ЯРАШГАЙ БИЛИМ

Яккабоғнинг тоғ этакларига туташиб кетган «Шарқ юлдузи» жамоа-ширкат хўжалигига қарашли Шов қишлоғида жойлашган 2-лицей-интернатда ҳуқуқшунослик, иқтисод ва тиббиёт йўналишида иқтидорли ўқувчилар таълим ва тарбия олади. Айни кунда лицейда 139 нафар ўқувчилар вилоятнинг бир қатор туманларидан келиб ўз фанининг билимдон устозлари, фан номзодлари, олий тоифали ўқитувчи-мураббийлар қўлида илм чўққиларини эгалламоқда. Ўтган йили лицей битирувчилари олий ўқув юртига кириш бўйича вилоятда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. 56 нафар битирувчидан 52 таси танлаган ихтисоси бўйича олий ўқув юртларига киришга муваффақ бўлди. Ҳуқуқшунослик гуруҳи битирувчиларининг аксарияти ҳуқуқшунослик, тарих факультетларига талабаликка қабул қилинди. Яқинда лицейнинг ҳуқуқшунослик гуруҳи битирувчилари ҳузурида бўлиб, улар билан суҳбатлашдик. Кўзлари ёниб, яшнаб турган ўқувчи Гулнора Қурбонова нега айнан ҳуқуқшунослик касбини танладинг, деб берган саволимизга шундай жавоб қилди:

- Менимча, ҳуқуқшунослик касби-инсон ҳаёти учун энг зарур бўлган шифокорлик касби масъулиятидан кам эмас. Қолаверса, мустақил республикамиз ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораяпти. Демак, эртанги кунимиз ҳам қонунларни чуқур ҳурмат қилиб яшашга асосланади. Қолаверса, адолат билан яшашга даъват қилиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиб яшашдан шарафли вазифа кам бўлса керак. Ҳуқуқий илм ва билимларни муттасил ўрганиш заҳматида сира ҳам чўчимайман.

**Гулноранинг айтганларини баландпарвоз гап деб бўлмасди. Унинг фикрларини синфда ўтирган 20 нафар ўқувчи ҳам бирдай тасдиқлаб турарди. «Инсон ҳуқуқлари», «Давлат ҳуқуқи асослари» ўқув дастурлари бўйича ўқувчилар билан ўтказилган қизиқарли савол-жавоблар натижаси шуни кўрсатдики, бу ўқув масканида замонавий таълим кўникмалари талаб даражасида олинган.**

**Ғози РАҲМОН,**
**«Инсон ва қонун»**
**мухбири**

---




# ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ АЙЁМИ

*«Ҳаёт ва қонун» журналининг 5-6-сони нашрдан чиқди*

Хотира — бутун миллатни, халқни бирлаштирадиган муқаддас туйғудир. Хотираси бутун, хотираси ўчмас халқ ўз келажагига тийран нигоҳ билан қарай олади. Яхшилар ёди ҳамиша инсонга нурафшон кайфият, руҳий бардамлик ҳадя этади. Халқимиз бошидан кечирган узоқ йиллик истибдод даврида жуда кўплаб фидойи инсонлар хотирасига гард қўнди, биз улар ёдини дилимизда сақласак-да, ошкора эътироф этолмасдик, номларини абадийлаштиришга имкон тополмасдик. Истиқлол қуёши бу гардларни супуриб ташлади ва биз ёруғ юз билан аждодлар ёдини, улар шон-шарафини қайта тиклашга киришдикки, бундан халқимиз беҳад мамнундир.

«Ҳаёт ва қонун» журналининг навбатдаги 5-6 сони Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳ.Эшонқулов қаламига мансуб «Хотира мангудир» номли бош мақола Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида нишонланган Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган.

Ўзбек миллий қонунчилик тизимини барпо этиш ва такомиллаштиришдан асосий мақсад фуқаролик жамияти ҳаётининг деярли барча жабҳаларини ҳуқуқий тартибга қуриш. Амалдаги мавжуд қонунларни ўрганиш ва улар ижросини таъминлаш эса барча фуқароларга тааллуқлидир. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кафедра бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги А.Хасановнинг «Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — давр талаби» номли мақоласида ёшлар ўртасида жиноий ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бугунги кунда олдимизда турган муҳим вазифалардан бири экани, ҳуқуқий билим тарбиянинг энг таъсирчан воситаларидан бири экани, бу борада республикамиз раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида сўз боради. Шу билан бирга ТДЮИ «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедраси тадқиқотчиси А.Хасановнинг «Номулкий ҳуқуқлар ҳимояси», СамДУ тадқиқотчиси Х.Мамажоновнинг «Адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим» номли мақолалари муштарийлар ҳуқуқий билимини оширишга анча ёрдам беради.

Юртимизнинг порлоқ келажаги учун муносиб ҳисса қўшиш мақсадида тинмай меҳнат қилаётган жонкуяр инсонлар билан бир қаторда, таассуфки, жамиятимиз ҳаётига доғ бўлгулик ишёқмас, текинхўр унсурларга ҳам дуч келамиз. Улар текин пул топиш йўлида инсон учун муқаддас ҳисобланган эътиқодни ҳам қурбон қилишга тайёр.

М.Абдукаримовнинг «Ишга айёр - икки беор ҳаётидан лавҳалари»да ана шундай шахсларнинг жирканч ишлари хусусида ҳикоя қилинади.

30-40 йилларнинг энг сермаҳсул ижодкорларидан бири, «Душман», «Ҳуқуқ», «Мармар лавҳа» каби роман ва қатор қизиқарли ҳикоялар муаллифи, ёзувчи Ҳусайн Шамс ҳақидаги хотираларни унинг набираси Ю.Мирзакаримованинг «Бувам ҳақида хотиралар» мақоласидан ўқиб биласиз. Шунингдек, машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтган оқсоқол шоир Назармат ўзининг «Эл унутмас», «Жангчи нидоси» номли шеърлари билан журнал меҳмони бўлган.

Журнал ҳар сафаргидек сиз азиз муштарийлар эътиборига яна бир қатор қизиқарли мақолалар билан бирга фотолавҳалар, ОАВ хабарлари асосида тайёрланган ғаройиб воқеалар, латифалар ҳамда шубҳасиз, сиз қизиқиш билан кутаётган ёзувчи F.Раҳмоннинг «Тил куйдиган қўшиқ» номли воқеий ҳикоясининг давомини ҳавола этган.

**Арофат ОРТИҚОВА**

---

*Санитария қонунчилиги: ижро интизоми*

# «ҚОНУН ВАЖ-КАРСОННИ ЁҚТИРМАЙДИ»

**Каттақўрғон Самарқанд вилоятидаги тўнғич шаҳарлардан. Уни жануб томондан темир йўл, шимол томондан «Тошкент-Зарафшон» катта тракти кесиб ўтган. Бу каттақўрғонликлар учун тадбиркорликни ривожлантиришга имконият демакдир. Шу боис шаҳарда 30 та саноат корхонаси, 168 та ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо қилувчи шахобчалар мавжуд. Бундан ташқари 56 та болалар ва ўсмирлар муассасалари, 49 та коммунал шахобчалар бор. Айни пайтда шаҳарда 74 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда.**

**Республиканинг бирорта шаҳрида аҳоли Каттақўрғондагидек чорвачилик билан шуғулланмаса керак. Уларга бу касб ота мерос. Негаки, шаҳарда чорва моллари бўлмаган ҳовлини учратиш амри маҳол. Ишдан ташқари чорвачилик билан шуғулланишдек тадбиркорлик, ишбилармонликка ҳеч бир монелик йўқ. Аммо шаҳарнинг санитария ҳолатини доимо талаб даражасида сақлаб турилиши, корхона, ташкилот, муассасаларда санитария қонунларининг бузилмаслигини таъминлаш давлат санитария-эпидемиология назорати ходимлари учун ҳам осон эмас.**

**«Давлат санитария-назорати тўғрисида»ги қонун, Республика Президентининг «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат санитария назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш асосий вазифамиз, - дейди шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош ҳакими Бахтиёр Умурзоқов. - Шаҳримизда ўттиз битта, Ингичка қўрғонида мавжуд тўртта маҳаллага ходимларимиз бириктилган. Улар маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда шаҳар кўчалари, хонадон олди ва жамоат жойлари доимо озода, ораста бўлишини таъминлаяптилар. Чиқиндиларни ўз вақтида шаҳардан ташқарига, белгиланган жойга чиқарилишига эришилмоқда. Аҳоли ўртасида санитария ташвиқотини мунтазам равишда ўтказиб турибмиз.**

**Ўтган йили шаҳарда техника воситалари етишмаслиги оқибатида чиқиндилар тўпланиб қолиш ҳолатига дуч келинди. Қонун важ-карсонни ёқтирмайди. Коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи О.Иззатуллаевга энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солинди. Натижада коммунал хизмати ходимларининг масъулияти ошди, ишда ўзгариш қилинди.**

**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат этишни мувофиқлаштирувчи вилоят Кенгаши тасдиқлаган режа-жадвалга асосан жойларда назорат тартибида текширишлар ўтказиб бораяпмиз. Текширишлар самарадорлигига эришишда қонун асосий мезон бўлаётир.**

**Ҳар қандай касаллик ёки унинг тарқалиши нотоза сув истеъмолидан келиб чиқади. Сувоқава ташкилоти шаҳримиз ҳамда Ингичка қўрғони аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлайди. Ходимларимиз назорат чоғида мавжуд тўртта сув иншоотидан бирининг хлорланиши яхши йўлга қўйилмаганлигини аниқладилар. Ташкилот раҳбари А.Нормуродовга биринчи маротаба 2640 сўм, иккинчи шундай ҳолатда 3960 сўм жарима солинди. Сувоқава ташкилоти мутасаддилари томонидан вазифаларига совуққон муносабатда бўлинаётганлиги тўғрисида шаҳар ҳокимлигига ёзма равишда хабар қилинди. Ҳокимлик масалани чуқур ўрганиб, ташкилот раҳбари А.Нормуродовни вазифасидан озод қилди. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.**

**Дарвоқе, шаҳар ҳокимлиги давлат санитария-эпидемиология маркази ходимлари учун қулай иш шароити яратиб бермоқда. Яқинда марказ ходимлари замонавий типда қурилган тўрт қаватли шинам бинога кўчиб ўтишган. Марказ ўтган йили компьютер сотиб олган. Самарқанд вилоятида компьютрлаштирилган давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ягона.**

**- Шаҳар суди тўланмаган жарималарни қонун талабларидан келиб чиқиб ундиришда бизга ёрдам бераяпти, - деди Б.Умрзоқов. - Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида суд орқали ўттиз тўққиз жаримачидан жарима ундирилди.**

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

---

*Тадбир*

# БОЛА АЗИЗ...







**Соғлом авлод Давлат дастурини ҳаётга тадбиқ этишда боғча муассасаларида фаолият кўрсатаётган тарбиячи ва мураббийлар зиммасига ҳам катта масъулият юкланган. Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 395-боғча-яслиси мудираси Шоҳида Исҳоқова болаларни соғлом муҳитда, «Бола азиз, тарбияси ундан ҳам азиз» деган иборага риоя қилган ҳолда тарбиялашга алоҳида эътибор билан қарайди. Яқинда бўлиб ўтган «Жажжи гўзал» танлови шу фикримизнинг ёрқин ифодасидир.**

**- Қиз бола оилада ўзини қандай тутиши, билимдонлиги, зукколиги, одоби, шарқона назокати, ибосини намойиш этиш, онасига ёрдамчи бўлиб етишишига кўмаклашиш — биз тарбиячиларнинг асосий вазифамиз, - дейди Шоҳида опа. - Танловни шу мақсадда ўтказдик. Бундан ташқари боғча-яслимизда қизлар ўртасида гимнастика, ўғил болалар учун таэквондо, шоҳмот-шашка тўгараклари ташкил этилган. Бу кичкинтойларни спорт билан дўстлашишга ўргатади, фикрлаш қобилиятини ўстиради. Тарбичиларимиздан Ҳ.Раҳимова, С.Соколова, М.Саматова, Г.Ғофурова, М.Мансурова, О.Беркетова, Д.Хидировалар жонкуяр меҳнатлари билан ажралиб турадилар. Ҳозир улар туманда ўтказиладиган боғчалараро спартакиадага болаларни тайёрламоқдалар.**

**Ўз мухбиримиз**

---

*Ўсмир ва қонун*

# «ЗЎРАВОНЛИК» ОҚИБАТИ...

Ўсмирлик инсон умрининг энг мураккаб, бежилов босқичидир. Бу даврда аввало, ота-оналар, таълим-тарбия учун барча масъул мутахассислар сергаклик билан иш тутиб, масъулиятни кучайтирмоқлари лозим. Акс ҳолда...

Қодир билан Суннатилла ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчилари. Улар энди ўзларининг хулқ-атворлари билан болалар дунёсидан ажралишга, катта кишиларга ўхшашга, тўғри ёки нотўғрилигидан қатъий назар бошқалар фикрига кўра эмас, ўз хоҳишлари бўйича яшашга интила бошлашди. Уларнинг феъли ёмон томонга қараб ўзгаргани қишлоқдаги бир тўйда яққол кўриниб қолди. Аммо ўжар ва қайсарфеъл икки ўсмир жиноят содир этиб қўйишганини кечроқ англашди.

Тўйга бориб, улфатчилик қилиб олишгач, икки йигитчага ўз қишлоқларида униб-ўсган қизни қўшни қишлоқ йигити олиб кетаётгани алам қилди. Куда томондан келганлар кўзларига бало-қазодай кўрина бошлади. Шундай қилиб, Қодир билан Суннатилла секин кўчага чиқишди. Кудалар ўтадиган йўлнинг икки чеккасига тош тўплаб қўйгач, кўнгиллари бироз таскин топди шекилли, сигаретни чекиб кута бошлашди. Ниҳоят, кудалар жойлашиб олган автобус кўринди. Икки йигитча «ҳужумга» шайланишиб, қўлларига тош олишди. Кетма-кет тош отилгач, автобусда қий-чув бошланди. Сал нарироққа бориб тўхтаган автобусдан одамлар отилиб туша бошлаганини кўрган «зўрлар» қочишди. Аммо қочиб қайга ҳам боришарди. Ахир, «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» дейишади-ку. Ноxуш ҳол содир бўлди. Энг ёмони, автобусдаги ёш қизлардан бирининг кўзига теккан тош, уни бир умрга ногирон қилиб қўйди. Кўпчилик эса енгил тан жароҳати олган эди.

...Суд мажлисида Қодир билан Суннатилла ўз айбларига иқрор бўлишди. Қилган ишларига пушаймон ейишди. Қилмишларига яраша жазоларини олишди. Аммо бу масалага шу ўриндаёқ нуқта қўйиб бўлмайди. Чунки ўсмир ёшлар орасида ноxуш ҳодисалар кўп учраб тургани учун бу мавзуда кўпроқ ёзиш мақсадга мувофиқ. Токи улар онгида ярамас ишларга нафрат уйғонсин, ўсмир қалбда манманликдан, номаъқул, номуносиб ҳаракатлардан ўзини тия билсин.

Бугунги ўсмир эртанги юрт эгасидир. Шундай экан, мактаблар, ўқув юртлари, ота-оналар, кенг жамоатчилик билан бирдек ҳуқуқ-тартибот идораларининг шу йўналишда иш юритувчи мутасаддилари, ҳокимиятларда фаолият кўрсатаётган ёшлар ва ўсмирлар билан ишлаш комиссиялари жойларда тез-тез бўлишиб, кенг тушунтириш ишлари олиб борсалар фойдадан ҳоли бўлмайди. Зеро, кимдир чуқурга йиқилиб тушса, бунинг учун чуқур айбдор эмас. Кўзни очиб, ақлни пешлаб, ҳушёр юриш, инсон боласининг бахтиёр яшаш шартларидан бири эканини англамоқ зарур.

**Салима ҚИЛИЧЕВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

---

*Ўзингни ва ўз уйингни асра*

# ВАРАҚАЧИЛАРНИНГ ДИНИЙ МАЪЛУМОТИ ЙЎҚ

(Боши 1-бетда)

**Агар бу соҳадаги ишларга алоҳида эътибор қаратилса, ҳам бундай турдаги жиноятларни олди олинади, ҳам аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалади.**

**Сир эмаски, мана шундай оқимларга қўшилиб қолганларнинг барчаси маҳаллада яшайдилар, жамоада меҳнат қилишади ёки ўқишади, улар бошқа жойдан келиб қолмаганлар, улар ўзларимизнинг фарзандларимиз, ахир уларнинг ҳам ота-оналари, ёр-қариндошлари бор. Ёшларни тарбиялашда маҳалланинг роли беқиёслиги барчага маълум. Лекин кўп жойларда айрим маҳалла оқсоқоллари, маҳалла йиғинлари масъулиятни ва ҳушёрликни унутиб қўйганликлари бизга қимматга тушмоқда. Ахир, халқимизда бир болани етти маҳалла тарбиялайди деган нақл бор-ку.**

**Шаҳарда диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши курашни кучайтириш ва аҳолининг бу йўналишдаги ҳуқуқий маданиятининг юксалтириш мақсадида 25 та маҳаллада Қарши Давлат Дорилфунунида, Қарши иқтисодиёт муҳандислик институтида, Қарши педагогика ва тиббиёт билим юртларида ва бошқа ўқув масканларида «Огоҳликка даъват», «Ақидапарастликнинг зарарли оқибатлари», «Лоқайдчилик - кечириб бўлмас иллат», «Диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши кураш давр талаби», «Биз ёшларимизни ҳеч кимга бермаймиз» ва бошқа мавзуларда учрашувлар ўтказилиб, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳушёрлиги оширилди. Ўтказилган тадбирларнинг деярли барчаси вилоят ва шаҳар телевидениесидан кўрсатилди, шаҳар радиосидан эшиттирилди. Оммавий ахборот воситаларидан чиқишлар қилинди. Ҳозир ҳам бундай тадбирлар аниқ режа асосида амалга оширилмоқда.**

**Бу соҳада олиб борилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, бу ишда ғалабани биз осонликча қўлга кирита олмаймиз. Шундай экан, бундай ёвуз кучларга қарши курашиш учун нима қилишимиз керак? Менимча, бунинг учун биринчи навбатда ёшлар билан тез-тез учрашиб туриш ва маҳаллаларга бориб аҳоли билан тез-тез учрашиб, диний ақидапарастликнинг салбий оқибатлари ҳақида тинимсиз тушунтириш ишларини олиб бориш лозим. Бу ишга аввало, ҳуқуқшуносларни, дин пешволарини, маънавият ва маърифат соҳасида ишловчиларни, зиёлиларимизни ва халқ орасида ҳурмат-эҳтиром қозонган мўйсафидларни ҳамкорлик асосида жалб этиш керак. Ўқув масканларида ўқитувчиларимизнинг бу соҳадаги тарбиявий тадбирларини кучайтириш ва назорат остига олиш зарур.**

**Ҳар бир маҳалланинг фаоллари ўзлари истиқомат қиладиган маҳалладаги диндор ёшларимизнинг кимлар билан алоқаси борлигини, намоздан кимлар сабоқ берганлигини (амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, диний ақидапарастлик оқимига тушиб қолганлар орасида ҳозирча биронта ҳам диний маълумотга эга бўлган ёки диний маълумотли кишидан сабоқ олганлар учрамаган) чуқур текшириб, уларнинг ота-оналарига болалари тарбияси учун шахсан жавобгар эканликларини уқтириб, керак бўлса, улардан бу ҳақда тилхат ҳам олишлари зарур. Зеро, конституциянинг 64-моддасига асосан ота-она фарзандлар вояга етгунча тарбия учун масъулдирлар.**

**Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.**

**М.ЭРМАТОВ,**
**Қарши шаҳар прокурори,**
**адлия кичик маслаҳатчиси**

*Во ажаб!*

# СИГИР БЎЯГАН АЁЛ

Она — улуғ зот. Аммо минг афсуски, ҳаётда ҳамма аёллар ҳам бу ҳақиқатни тўғри англамас, аниқроғи, ўзининг кимлигини идрок этмас экан. Ушбу мақола қаҳрамони Қумрихон Тўрабоева ҳам ана шундайлардан бўлиб чиқди. Беш нафар фарзанднинг онаси бўлмиш бу аёл қилмишини тилга олишга ийманасан киши. У оғир ҳолат — ўғирлик жинояти устида қўлга тушди. Нима учун Қумрихон ана шундай қалтис ишга қўл урди? Уни бунга нима мажбур этди? Турмушдаги қийинчиликми? Ё шайтоннинг васвасасими?

Қумрихон Уйчи туманида яшайди. У 1999 йилнинг 1 октябр куни эрталаб қизи Гулбаҳор билан қайниси Ҳомиджонни кўриб келиш учун уйдан кўчага чиқади. «Бирлашган» жамоа хўжалигининг 5-бригадаси йўлидан бораётиб, йўл бўйидаги тут дарахтлари орасида мол боқаётган уч қизни кўриб қолади. Шу пайт уни жин урдими ё ақли оздими, дафъатан қизлар олдига келди.

- Сенлар нима учун тут қаторда мол боқаяпсанлар? - деб қизларга ўшқирди дабдурустдан.

Қизлар унинг баланд овозидан ноқулай аҳволга тушиб қолишди.

- Молимизни тутга боғлаб боқаяпмиз, - дейишди чор-ночор.

- Мени танимайсанлар шекилли, - гапида давом этди Қумрихон валдираб. - Мен пиллачилик бригадири Малика бўламан. Молга тут баргини сидириб бермай, ана у маккажўхори ичидан ўт юлиб чиқинглар, тушундингларми? Қани макка ичига кирингларчи!



Онахоннинг буйруғидан кейин Муқаддам ва Дилоромхон маккажўхори ўсиб турган пайкалга кириб кетишди. Нозима эса тут дарахтига боғлаб қўйилган она-бола молга қараб туриш учун қолди.

- Нега анграйиб турибсан, қани сен ҳам макказорга кирчи! - топшириқ беради унга аёл.

Бу гапдан кейин Нозима ҳам маккажўхоризорга кириб кетди. Қумрихон бундай қулай имкониятдан фойдаланаман деб турганида қаёқдандир бригада бошлиғи Иззатилла ака пайдо бўлиб қолди. Аёл у билан бироз чуғурлашди. Бригадир дала шийпон томон илдамлаб кетгач, Қумрихон тут дарахтига боғлаб қўйилган мол арғамчисини тезда ечди ва жониворни қизи Гулбаҳор билан уйи томон етаклаб кетди.

Қизлар бир кучоқдан ўт билан маккажўхоризордан чиқиб, лол бўлиб қолишди. Чунки бозорда нархи 120.000 сўм турадиган она-бола сигир ўрнида йўқ эди. Улар йиғлаб, у ёққа югуришди, бу ёққа югуришди. Бироқ ҳеч қаёқда сигирнинг қораси кўринмади. Ана шу қизлар «Молимизни ҳалиги аёл олиб кетган бўлса керак», деган фикрга келишди. Шундан кейин тезда ота-онасига хабар бериш учун уйга шошилишди.

Муқаддам отаси Мамасоли Баратовга кўзидан ёш оқиб ҳамма гапни айтиб берди. Ота қизини юпатиб, у билан бригада бошлиғини қидиришга тушди. Ниҳоят уни уйидан топишди.

- Эҳтиёт она-бола молимизни сиз олиб кетмадингизми? - сўради Мамасоли ака Маликадан.

- Йўғ-е, мен ҳозир пахтачилик бригадасидан келиб турибман, - жавоб қилди у ҳайрон бўлиб.

- Отажон, бизни алдаган булар эмас, бошқа аёл, - деди Муқаддам ноқулай аҳволга тушиб қолган Маликага зимдан қарар экан.

Ўғирлик куни Қумрихон «Ким ҳам сезиб ўтирибди», дея сигирни тўғри ўз уйига олиб келди. Уни қозиққа боғлаб қўйди. Атрофида бузоғи шаталоқ отиб ўйнар эди. Аёл сигирга қарар экан, «Олиб юрсак, эгаси чиқиб қолиши мумкин, бозорда сотсак, қўлга тушишимиз турган гап», дея ўйга толди. Шунда ярқ этиб хаёлига молни бўяб сотиш фикри келди. Сигирнинг танаси қизғиш ранг бўлиб у ер, бу ерида ола жойлари бор эди. «Ана шу ола жойларини қизғиш рангга бўясам эгаси ҳам танимай қолади», деган фикрдан Қумрихон хурсанд бўлиб, қозноққа кирди. У ерда бўёқларни топиб чиқиб, қизғиш ранглисини танлади. Дам ўтмай сигир танасининг ҳамма қисми қизғиш тусга кирди. Қуёш нурида ярақлаб табиийга ўхшаб қолди. «Энди бозорга олиб чиқса бўлади», хаёлидан ўтказди Қумрихон. Лекин у вазият кескинлашиб кетишини сира ўйламас эди.

Орадан уч кун ўтгач, Муқаддам отаси билан кетаётиб, ўзини «Маликаман» деб таништирган аёлни кўриб қолди.

- Ана молимизни ўғирлаб кетган аёл, - деб уни отасига кўрсатди.

Мамасоли ака аёлнинг олдига келиб исмини, яшаш жойини билгач, ундан ўсмоқчилаб сўради:

- Эҳтиёт даладан болали сигиримизни етаклаб кетмадингизми?

- Йўғ-е, аёл бошим билан молингизни ўғирлайманми? Қаёқдаги гапни гапираяпсиз. Менга унақа қуруқ туҳмат қилманг. Ишонмасангиз уйимизга бориб кўринг, хўпми? - қатъий оҳангда гапирди Қумрихон. Лекин у мол эгаси уйига албатта текшириб келишини сира-сира хаёлига келтирмаган эди.

Ўша куни Мамасоли Баратов қизи Муқаддам билан Қумрихоннинг уйига борди. Не кўз билан кўрсинки, сигири қозиқда кавш қайтариб турар, бузоғи эса унинг атрофида эркаланиб юрар эди.

- Сигирим ола-була бўлгич эди? - дея Мамасоли ака ҳайрон бўлиб унинг олдига келди. Молни қашлаб туриб, қўли сигир терисининг бўялган қисмига тегди. Қўл панжаси қизғиш тус олди. Сигири ҳам уни таниди шекилли, мўраб юборди. Муқаддам ва Мамасоли ака сигирини бузоғи билан етаклаб «Топилганига шукур», дея ҳовлини тарк этишди. Мол ўғриси Қумрихон эса сувга тушган мушукдай бўшашиб қолди.

Ҳа, аёл, қолаверса, уй соҳибаси ўғирлик жиноятини содир этди. Бунда у эрини, беш нафар фарзандини ўйламади. Не сабаб шундай қилганини унинг ўзи билади, холос. Ҳамқишлоқлари мол ўғриси — Қумрихон Тўрабоеванинг антиқа кашфиётини эшитиб, «Аёл киши ҳам шундай иш қиладими? Во ажабо!» дейишмоқда.

**Нўъмонжон ҲАМДАМОВ,**
**Уйчи тумани ИИБ тергов бўлинмасининг бошлиғи, милиция майори,**
**Эркин ҚАМБАРОВ,**
**журналист**

# ЯХШИ ИНСОНЛАР КЎМАГИДА

*Учрашув*



Тошкент Давлат юридик институтида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази ташаббуси билан имконияти чекланган ногирон болалар ҳимоясига қаратилган учрашув-мулоқот бўлиб ўтди. Унда бир ой давом этган ногирон болалар расмлари кўргазмаси ғолиблари аниқланди: Темур Аширов ва Павел Лопатко каби ёш ва истеъдодли мусаввирлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.



Тадбирда ногиронлар билан ишлаш маркази, Республика ногиронлар жамияти, «Софдил» жамияти, «Умр» тиббиёт маркази вакиллари қатнашдилар. Учрашув қатнашчилари имконияти чекланган ногирон болалар муаммоларини бартараф этиш, уларни жамиятдан ажралиб, тўрт девор ичида қолиб кетмаслиги, ўз тенгқурлари қатори билим олишлари учун шароит яратиш ҳақида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар хусусида ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

**Ю.МИРЗАКАРИМОВА**

# ИЮН ОЙИ СИЗГА НИМАЛАРНИ ВАЪДА ҚИЛАДИ?

**ҚЎЙ.**
Ойнинг бошида шахсий ҳаётингиздаги аҳвол ҳавас қилар даражада бўлмайди. Оилавий жанжал чиқишини хоҳламасангиз, умр йўлдошингиздан ширин сўзингизни аяманг.

Жамоадаги обрў-эътиборингиз эса янада мустаҳкамланади. Айниқса, 5-да жамоада нуфузингиз баландлигига яна бир карра амин бўласиз. Хатоликка йўл қўймай десангиз, ўйлаб иш кўринг. Таваккал қила кўрманг.

Омадли кунлар:
1, 4, 11, 26
Омадсиз кунлар: 6, 16.

**БУЗОҚЧА.**
Ёз ойининг биринчи ҳафтасида яқин кишиларингиз билан орангизда тушунмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Пайдо бўлган тушунмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилсангизда, озгина асабингиз бузилишига тўғри келади. Ойнинг ўртасига бориб сиз учун ёруғ кунлар бошланади. 25-га келиб, барча муаммоларингиз ўз ечимини топиб, сиз учун ажойиб кунлар бошланади.

Омадли кунлар:
2, 9, 15, 27.
Омадсиз кунлар: 1, 5.

**ЭГИЗАКЛАР.**
Июн ойи ажойиб, унутилмас лаҳзаларни ҳадя этади. Туғилган кунингизда ҳар доимгидек кўп совғалар оласиз. Лекин юлдузларнинг башоратига қараганда, дўстларингиз сизга қандайдир ғаройиб совға тайёрламоқдалар. Ҳатто ёнингизда кўнглингиз тусаганни муҳайё қилишга қодир киши пайдо бўлади. 15-25 гача янги танишлар орттириш ё бўлмаса эски ишқий муносабатларингизни тиклашингиз учун қулай кун.

Омадли кунлар:
2, 9, 15, 27.
Омадсиз кунлар: 1, 5.

**ҚИСҚИЧБАҚА.**
Бу ой сизга оммавий кўнгил очиш, ўйин-кулги ойи бўлади. Сиз ўз хислатларингиз билан кўпчиликка ёқасиз. Айни пайтда хоҳлаган кишингизнинг кўнглини ўзингизга ром эта оласиз. Сиздаги ишчанлик кайфияти сизни янада салобатлироқ кўрсатади ҳамда кўпчиликнинг диққатни жалб этади.

Омадли кунлар:
1, 4, 15, 21.
Омадсиз кунлар: 3, 30.

**АРСЛОН.**
Ойнинг биринчи жумаси учрашувлар учун қулай кун. Дам олиш кунлари меҳмон кутиш билан банд бўласиз. Севимли кишингизни бўлар-бўлмасга рашк қилиб, унга озор берманг.

Омадли кунлар:
1, 10, 18. 27.
Омадсиз кунлар: 3, 17.

**ПАРИЗОД.**
Ёзнинг бошланишида ишларингизда ва шахсий ҳаётингизда муваффақиятларга эришасиз. Ойнинг биринчи ярмини кўнглингизга яқин бўлган кишилар билан яхши ҳордиқ чиқаришга ҳаракат қилинг. 16-да эса сизда қандайдир тушкунлик, ўзингизга ишончсизлик кайфияти пайдо бўлади. Ғам еманг. Худди шу кунларда сиз ўта мафтункор кўринасиз. 19-да эса ишқий саргузаштларга мойиллик сезасиз. Хаёлингизни бахтли оила қуриш орзуси банд этади.

Омадли кунлар:
6, 9, 16, 28.
Омадсиз кунлар: 1, 25.

**ТАРОЗУ.**
Ёзнинг биринчи ойи сиз учун қимматли бўлган киши билан сайр қилишингиз учун қулай. 10-дан кейин ҳаётингизда қандайдир ўзгаришлар юз беради. Юлдузларнинг башоратича, бу ойда кўзлаган мақсадингизга эришишингиз мумкин. 14-да ёки 15-да юз берадиган воқеаларни кўнглингизга яқин олманг. Айнан шу кунлари кимдир сизнинг кайфиятингизни бузишга ҳаракат қилади. 21 дан кейин эса омад сизга кулиб боқади. Ёзги ҳордиқ учун ажойиб режалар тузасиз. Унинг рўёбга чиқиши учун 25-дан кейин ҳаракат қилинг.

Омадли кунлар:
4, 6, 17, 29.
Омадсиз кунлар: 3, 16.

**ЧАЁН.**
Июн ойининг дастлабки кунларида ёнингизда кўнгилдош ширинсўз, дилингизга йўл топа оладиган инсон пайдо бўлади. 12 дан кейин сайру саёҳатга таклиф қилишлиги мумкин. Бу саёҳат яқинларингизга ёқмаслиги мумкин. Омад сизга 19-дан кейин кулиб боқади. Ойнинг охирига бориб ўзингизда ҳорғинлик сезасиз.

Омадли кунлар:
2, 3, 10, 23.
Омадсиз кунлар: 6, 19.

**ЎҚОТАР.**
Ойнинг бошида олдингизга қўйган мақсадларингиз олдида қандайдир тўсиқлар пайдо бўлади. 9-га келиб, бу ҳол сизни анча асабийлаштиради. 10-га келиб эса қизиқарли учрашувлар, ажойиб ҳодисалар сизнинг ҳаётингизни янги саҳифалар билан бойитади. Ёқимли туйғулар ва ғаройиб воқеалар кўнглингиздаги барча дилхираликларни ювиб кетади. Сизнинг қатъиятлигингиз муваффақиятларингиз гарови бўлади.

Омадли кунлар:
4, 19, 21, 24.
Омадсиз кунлар: 6, 27.

**ТОҒ ЭЧКИСИ:**
3-дан кейин ўзингиз ҳақингиздаги ёқимли сўзларни эшитасиз. Сизни кимлардир зимдан кузатиб юрганининг гувоҳи бўласиз. Мақтовлардан мағрурланиб, яқин кишингизга нисбатан қўполлик қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлинг.

24-дан кейин шаҳар чеккасида ҳордиқ чиқариш мақсадга мувофиқ.

Омадли кунлар:
2, 12, 25, 29.
Омадсиз кунлар: 3, 16.

**СУВЧИ:**
Ойнинг дастлабки кунларида жанжалли муаммолардан чеккароқда бўлишга ҳаракат қилинг. Кейинги кунларда атрофингиздагиларни тушунмай, арзимаган нарсалардан асабийлашишингиз мумкин.

14-дан кейин тинч ҳаётингизга раҳна солаётган майда-чуйда нохушликлар ортда қолади. Ойнинг иккинчи ярми қизиқарли учрашувлар, кўнгилочар тадбирларга бой бўлади.

Омадли кунлар:
4, 13, 16, 28.
Омадсиз кунлар: 2, 8.

**БАЛИҚ.**
Ишқий муносабатларингизни ойдинлаштириш учун ойнинг боши қулай. Барча тушунмовчиликлар, уруш-жанжаллар беҳудага эканини тушуниб етасиз. Сиз унинг учун ягона ва такрорланмас эканлигингизни ҳис этасиз. 5-дан кейин пул билан боғлиқ муаммолар безовта қилади.

Ойнинг ўртасига бориб, ишларингиз ўз-ўзидан юришиб кетади. 25-да яқинларингиз билан муносабатларингизни тиклаб оласиз.

Омадли кунлар:
2, 10, 27, 30.
Омадсиз кунлар: 3, 16.

*Турфа олам*

## ГАПИРАДИГАН СВЕТОФОР



Япония шаҳарларидаги чорраҳаларда шундай светофорлар ўрнатилган: агар қизил чироқ ёнса аёл кишининг: «Азиз пиёдалар, кўк чироқ ёнишини кутинг, илтимос», деган ёқимли овози, қизил чироқ ўчиб, кўк чироқ ёнганида эса: «Марҳамат, бехавотир ўтишингиз мумкин!» деган майин товуши эшитилади.

## ЖАВОНДАГИ ОДАМ ЁКИ БУВИСИНИНГ ҚОТИЛИ



Ёш ўспирин Карл Отто Зиндервальд ҳар турли ўйин ва ҳазилнинг ўта ишқибози. Тўғри, бу одати баъзан жуда беъманиликларга ва ёмон оқибатларга ҳам олиб келади.

Карл бувиси ва опаси Лилини қўрқитмоқчи бўлди. Уларга мутлақо билдирмасдан картон ва қоғозларни елимлаб, одам қиёфасини (скелетини) ясай бошлади. Бу ишга бир ой вақтини сарфлади.

Бир куни бувиси ва опаси иш билан чиқиб кетишди. Карл скелетни кираверишдаги девор жавонга жойлаштириб, унга боғлади-да, ўзи ичкари уйда кутиб турди. Бувиси ва опаси уйга киришаётганда, ипни тортди. Скелет жавондан ташқарига - уларнинг оёғи остига тап этиб тушди. Кампир бечора юраги ёрилиб, шу ернинг ўзида жон берди. Лили эса қўрқканидан дудуқланадиган бўлиб қолди. «Ҳазил - таги зил» деганлари шу-да, деб ёзади немисларнинг «Гамбургер абенблат» газетаси.

**М. ЖАЛИЛОВА тайёрлади**

# НИШОНДА ТАДБИРКОР ВА ДЕҲҚОНГА ЭЪТИБОР ҚАНДАЙ?

(Боши 1-бетда)

Чорвачиликка ихтисослашган 53 та фермер хўжаликларнинг моллари вакиллик мутахассислари томонидан саноқдан ўтказилганда, қорамоллар сони 142 бошга, майда моллар сони эса 714 бошга камайиб кетганлиги маълум бўлди. Бунинг натижасида гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳам камайган.

Фермерларнинг пахта ва ғалла экинлари бўйича шартномавий режаларни бажармаслик сабаблари ўрганилганда, ҳосилни режалаштиришда ер банитоти белгиланмасдан, фермер хўжаликларига катта ҳосилдорлик қўйиб юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 27.05.99 йилда 736-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш дафтари» тақдим этилган бўлса-да, туман ер ресурслари ва ер тузиш хизмати бўлими томонидан бу дафтарлар юритилмаган ва бирорта фермер хўжалигига давлат рўйхатига олинганлик тўғрисида гувоҳномалар берилмаган.

Деҳқон фермер хўжаликларининг техника, уруғ, ўғит билан таъминлаш бўйича МТП, ДАЖ, туман «Агрокимёсаноат» ва бошқа ташкилотлар билан ҳар бир деҳқон-фермер хўжалиги алоҳида шартномалар тузган. Лекин деҳқон фермерлар уюшмаси марказлашган тарзда шартнома тузганлиги боис айрим деҳқон фермер хўжаликлари техника, ўғит, уруғ билан таъминланмасдан қолган. Фермер хўжаликларининг экин майдонларини сув билан таъминлашда ҳам муаммолар мавжуд. Кўпинча фермер хўжаликларида сув жамоа ширкат хўжаликларининг экин майдонлари тўлиқ сув ичиб бўлгандан кейингина берилади. Бу ҳолат фермер хўжаликлар экинларининг ўз вақтида сув билан таъминланмасдан ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келган. Шунингдек, ер майдонларини ажратишда ва улардан оқилона фойдаланишда таъмагирлик қилиб, жиноят содир этиш ҳоллари ҳам рўй бермоқда.



**Ҳаёт ва қонун чорраҳасида**



Туман ҳудудидаги «Балхияк» жамоа-ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Хайрулла Бердиев фуқаро Ғофур Нормўминов хўжалик ҳудудидаги 2,30 гектар ер майдонига «Чилги» пиёз уруғини экиб, кўкартириб олганлиги учун идорага чақиртириб шартнома тузиш таклифига рози бўлмасдан 450000 сўм беришни талаб қилган. Фуқаро Нормўминов Ғофур ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларга мурожаат қилиб, Бердиев Хайрулла ўз яшаш уйида Нормўминов Ғофурдан 330000 сўм пулни пора тариқасида олган вақтида ушланган. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, Х.Бердиев ЎзР ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми «Б» банди билан айбланиб, жиноят иши айблов хулосаси билан судга берилган ва вилоят судининг ҳукми билан 12 йил озодликдан маҳрум қилинган.

Ўқув семинарда прокурордан кейин сўз олган туман фермер хўжаликлари вакиллиги директори Х.Фармонов, тадбиркорлар палатаси раиси Ш.Давлатов, солиқ инспекцияси раиси И.Жўраев, ер ресурслари бўлим бошлиғи М.Холмуродов, туман давлат нотариуси бўлими бошлиғи А.Шайманов, ички ишлар бўлими бошлиғи Сафар Сармановлар ўз фикр ва мулоҳазаларини изҳор этиб, фермерларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Аччиқ танқидлар ва фойдали маслаҳатлар сабоғида тегишли хулосалар чиқарган ҳар бир иштирокчи ўз фаолиятида жиддий бурилиш ясайдиган бўлди.

**Ғ.РАҲМОН,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Мужда*

# ТАДБИРКОРЛАР САРОЙИ

Энди асакалик тадбиркорлар иш битириш учун ҳали у идорага, ҳали бу идорага югуриб юрмайди, бошлиқларнинг қабулхоналарида сарғайиб уларни кутмайди. Шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар прокуратурасининг ташаббуси билан очилган тадбиркорлар саройида улар учун барча хизмат йўлга қўйилган.

Саройда тадбиркорликнинг дастлабки режалари тузилади, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилади. Шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси қабулхоналари ҳам шу ерда. Авваллари тадбиркорлар кичик корхона ёки хусусий фирмаларнинг муҳрини тайёрлаш учун Андижон шаҳрига келишлари керак эди. Саройда эса муҳр тайёрлаш йўлга қўйилди. Шаҳар ички ишлар, меҳнат ва бандлик бўлими, солиқ инспекцияси, ҳаттоки банкларнинг вакиллари ҳам ҳозиру нозир. Улар ҳам тадбиркорларнинг ҳар қандай ишини битиради, саволига жавоб беради.

- Марказни ташкил этишнинг асосий сабабларидан бири, - дейди шаҳар прокурори Бобур Деҳқонов, - айрим идоралар томонидан таъмагирлик, товламачилик, тўрачилик ҳолатларини, шунингдек, тадбиркорлар фаолиятига назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашиб, текширишлар ўтказилишининг олдини олишдир. Шунинг учун саройда ҳам, прокуратура идорасида ҳам ишонч телефонлари ташкил этилган.

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Бу ажиб дунё*

# ШАҲЗОДАНИНГ КУНИ СТИПЕНДИЯГА ҚОЛДИ...

Бруней султони Жефри Болхиахнинг укаси ўзининг хушчақчақ ҳаёти учун 10 йил ичида давлат хазинасидан деярли 3 миллиард доллар сарфлаб юборди. Бруней Олий суди камомадчининг ҳисоб-китоб рақамини вақтинча тўхтатиб, унга «камтарона стипендия» - ойига атиги 59 минг доллар белгилаб қўйди.

Шаҳзоданинг адвокатлари бундай «кулгули» маблағдан ҳайратга тушдилар ва унга ойига камида ярим миллион ажратишни талаб қилдилар. Улар судга мурожаатларида энг аввало шаҳзоданинг ихтиёридаги одамлар сонини рўкач қилдилар: шаҳзоданинг тўрт нафар қонуний хотини, 35 нафар фарзанди ва кўплаб хизматкорлари бор. Булардан ташқари, «жонсиз» нарсалар ҳам сон-саноқсиз: жумладан, 2 минггача автомобил, 17 та самолёт ва бошқа транспорт воситалари мавжуд.

Суд шаҳзода қарамоғида бўлган одамлар қай ҳолга тушиб қолишини эътиборга олиб, унга бериладиган маблағни ойига 300 минг долларгача кўпайтирди.

# НАВБАТ ТОШБАҚАГАМИ?

Россия хавфсизлик федерал хизматининг Саратов вилояти бўлими ходимлари 224-сонли Саратов-Душанбе поездининг юк вагонида катта миқдордаги тошбақалар олиб кетилаётганини аниқладилар. Терговчиларнинг фикрича, булар пойтахт бозорлари ёки ресторанларига мўлжалланган эди. Ноқонуний ҳаракатда гумон қилиниб Тожикистоннинг икки фуқароси қўлга олинди.

Тергов давомида шу нарса аниқландики, Москвага илгари ҳам шу йўл билан «маҳсулот» етказиб турилган. Чунончи, ўтган йилнинг декабрида пойтахтга 4 минг донадан ортиқ тошбақа келтириб берилган.

Саратов ҳокими ва Тожикистон ҳукумати ўртасидаги муҳокамалардан сўнг «омади юришмаган саёҳатчи» тошбақаларни қонуний асосда ўзларининг «тарихий» маконларига қайтаришга келишиб олинди.

**ОАВ материаллари асосида Нигора ДУШАБОЕВА тайёрлаган.**

